

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб Хотира ва қадрлаш кун умумхалқ байрами сифатида "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида кенг нишонланмоқда. Бу йилги байрам иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан юртимизда ёши улуг инсонларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган бир пайтга ўтаётгани алоҳида аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги ва шаъни, қадри ва хотираси, жасорати ва матонатини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар таҳсинга сазовордир.



ИНСОН ХОТИРА БИЛАН БАРҲАЁТ, ҚАДР БИЛАН УЛУҒДИР

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2015 йил 6 мартдаги "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" ва 2015 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармонларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йил 26 мартда қабул қилинган "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиш, ҳеч шубҳасиз,

мамлакатимизда уруш ва меҳнат fronti фахрийларига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганини тасдиқловчи яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур Фармойиш асосида шу кунларда юртимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар юксак ташкилий савияда ўтказилмоқда.

"Жасорат, бурч, матонат" шиори остида ўтказилаётган ушбу тадбирларда давлат органлари, жамоатчилик, ижтимоий ва тиббиёт муассасалари, маданият, санъат ва спорт намоёндалари, ҳарбий хизматчилар фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари ва бир марталик пул мукофоти тантана-

ли равишда топширилмоқда.

Ушбу қутлуг санани нишонлаш доирасида тантанали тадбирлар ва концерт дастурлари билан бир қаторда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари кўрсатган матонат ҳамда жасорат ҳақида аҳолининг кенг қатламига, айниқса, ёшларга ибрат ва ўрнак бўладиган маънавий-маърифий учрашувлар ҳам ташкил этилмоқда.

Бунда, айниқса, таълим муассасалари ҳамда ҳарбий қисмларда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, мамлакатимиз Қуролини Кучлари фахрийлари ва вакиллари иштирокида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта. Чунки бу анжуманлар, аввало, ёшларни Ватанга муҳаббат, аждодлар жасоратига садоқат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари,

талабалар, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг Хотира майдони, Ўзбекистон тарихи ва Қуролини Кучлар давлат музейлари, Қатагон қурбонлари музейига бориши ташкил этилаётгани ҳам ғоятда ибратлидир.

Ҳозирги пайтда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар, илмий-тадқиқот институтларида даволаниш учун имтиёзли ордерлар ажратиш, доимий кўмаклашиш, жумладан, уйда тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимини бириктириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Апелляция инстанцияси

суд ҳукмининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини таъминлашнинг муҳим босқичидир

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, адолатли суд қарорлари қабул қилишда 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал, хўжалик процессуал ва фуқаролик процессуал кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига киритилган апелляция тартибида иш юритиш институти муҳим ўрин тутди.

Айтиш керакки, биринчи инстанция судининг ҳукмидан норози бўлган маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари томонидан келтирилган шикоят, шунингдек, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан киритилган протест апелляция тартибида ишни кўриш учун асос вазифасини ўтайди.

Қонунга кўра, апелляция шикояти (протести) ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, уларга ҳукм нухаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида ҳукм чи-

қарган суд орқали берилди. Жиноят процесси иштирокчиси ўз шикояти (протести)га ўзгариш киритиш ҳуқуқини апелляция инстанцияси суди маслаҳат хонасига киргунга қадар амалга ошириши мумкин. Бироқ мазмунига кўра, маҳкумининг аҳолини оғирлаштирадиган томонга апелляция шикояти талаблари ўзгаририлишига фақат суд қарори устидан шикоят (протест) бериш учун белгиланган муддатларда йўл қўйлади, белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг берилган, маҳкумининг аҳолини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан эътиборга олинмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида юртимизга энг замонавий технологияларга эга бўлган хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодийтизимини барқарор суратларда ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва жаҳон бозорига рақобатдош маҳсулотлар етказиб бериш имконини яратмоқда.

Qonun ko'magi

Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояда

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда хорижий инвестициялар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, улар эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестиция-

ларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари бу борада ўта муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Тўғридан-тўғри

хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Адлия вазирлиги зиммасига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашдек ғоятда муҳим вазифа юклатилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

уни ўз вақтида бажариш хотиржамлик гаровидир

Фуқаролик кодексининг 732-моддасига мувофиқ, қарз шартномасига бўйича, бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул

ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради.

(Давоми иккинчи бетда)

Терроризмга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида "Терроризмга трансмиллий таҳдид сифатида қарши кураш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи офиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференцияда миллий экспертлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, ШХТ Минтақавий аксил-террор тузилмаси Ижроия кўмитаси, МДХнинг Аксилтеррор маркази, ЕХХТ Котибияти мутахассислари маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси бошлиғи Шавкат Икромов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Фаррух Дадаҳўжаев, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи Дьердь Сабо ва бошқалар мазкур конференция халқаро ташкилотлар даражасида самарали ҳамкорлик воситаларидан бири сифатида хизмат қилишини таъкидлади.

Анжуман қатнашчилари халқаро террорчилик тузилмалари фаолиятининг сўнгги вақтда дунёнинг деярли барча минтақаларида, жумладан, Яқин Шарқ давлатларида кузатилаётган янги кўринишларини таҳлил қилди. Ўзбекистон Республикаси истиқлолнинг дастлабки йилларидан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласида мустақам позициясига эга бўлиб, тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашда ўз ўрнини мустаҳкамлаб, янада кучайтираётган

ни алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримов БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар минбарларида сўзлаган нутқларида терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишда дунё миқёсида ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йил ноябрь ойда бўлиб ўтган Истанбул саммитида давлатимиз раҳбари БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш гоёсини илгари сурди. Бу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди ва 2001 йилда БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳузурида терроризмга қарши кураш кўмитасининг ташкил этилиши бу гоёнинг амалий натижаси бўлди.

—Ўзбекистон глобал ва минтақавий даражада илгари сурётган ташаббуслар терроризмга қарши курашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ашита Миттал. — Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш доирасида қабул қилинган 14 халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишсизликнинг олдини олиш борасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Huquqiy ta'rifat

Меҳнат ҳуқуқининг кафолатли ҳимояси

ходим ва иш берувчининг қонуний манфаатларини таъминлайди

Бинобарин, амалдаги қонунларимизда хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳамда ўзининг меҳнат ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган хар қандай ходим ёки ходимларнинг вакиллик органи ва иш берувчи меҳнат низоосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли экани белгилаб қўйилган.

Шу ўринда бевосита меҳнат низолари ҳақида тўхтайдиган бўлсак, Меҳнат кодексининг "Меҳнат низолари" деб номланган XV бобида қайд этилганидек, меҳнат низолари — бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжат-

ларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллашни юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.

Айтиш керакки, бундай низолар меҳнат низолари комиссиялари буйича Наманган вилояти судлари томонидан 2014 йил мобайнида меҳнат низолари билан боғлиқ 201 та фуқаролик иши кўриб чиқилган.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг,
жавоб берамиз

Айтинг-чи, қонунда ходимлар сонини яширган мансабдор шахсга нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Ш.БЕРДИЕВ,
Фаргона вилояти,
Қува тумани



— Ҳа, белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддасига мувофиқ, ходимлар сонини яшириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, фуқароларга — энг

кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунда ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан қандай чора кўрилиши қайд этилган?

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти,
Богот тумани

— Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига мувофиқ, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофазат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 148-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш

ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўз касбига совуққонлик билан қараган ҳамширага нисбатан қандай жазо қўлланилади?

У.СОБИРОВА,
Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани

— Маълумки, Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган шахслар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, шахсининг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўрттача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш

ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахсининг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўрттача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда моддий ёрдамга муҳтож отани қаровсиз қолдирган фарзандларга нисбатан жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилган?

К.УМИРОВ,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани

— Маълумки, Жиноят кодексининг 123-моддасига мувофиқ, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суд-

нинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламалиги, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиги Нишонмурод Мирзоалимов жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бунда фахрийлар биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар ва тиббий буюмлар солинган махсус кутичалар, амбулатория шароитида даволанишда шифокорлар кўрсатмаси бўйича дори воситалари билан бепул таъминланиб, мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

Шунингдек, уларга манзилли инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда. Имконият чекланган кексаларга ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация техника воситаларини ажратиш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2015 йил 14 апрелда қабул қилган "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга кўтарди.

Ушбу фармонга мувофиқ, жорий йилнинг 1 майдан 100 ёшга тўлган ва ундан



Qonun ko'magi

Хорижий инвесторлар
ҳуқуқлари ҳимояда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида, адлия идоралари томонидан 2015 йилнинг биринчи чораги давомида 334 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхонада мониторинг ўтказилди ва ўрганишлар чоғида 306 та қонунбузилиши ҳолати аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли маҳаллий, давлат ва назорат қилувчи органларга 41 та тақдимнома, 67 та оғоҳнома ҳамда судларга 11 та даъво аризаси киритилди.

Айтиш керакки, ушбу таъсир чоралари натижасида 23 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, суд орқали 111,7 миллион сўмдан ортиқ маблағ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фойдасига ундириб берилиши таъминланди.

Шунингдек, хорижий инвесторларнинг муносабатларини тўлиқ ва ҳар томонлама қўриб қиқиш ҳамда қонуний ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг

9-may — Xotira va qadrlash kuni

Инсон хотира билан барҳаёт,
қадр билан улугдир

ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда устама тўлаш белгиланди.

Шунингдек, 2015 йил давомида 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларга тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисобланиши, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиши тўғрисидаги текшириш натижаларига кўра, ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар миқдори ҳисобдан чиқариладиган бўлди.

Шу тариқа фахрийларимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шароитлар яратиб бераётган давлатимиз томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида юртида бўйлаб самарали ишлар

амалга оширилмоқда.

Зеро, бугун улар туфайли мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, ҳаётимиз фаровон. Жанг майдонларида жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганларни эслаш, бугун орамизда соғсаломат ҳаёт кечираётган нуруний отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда эъзозлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустахкам жой олмақда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланган.

Дунёда тинчликдан улуг, осойишталикдан азиз неъмат йўқ. Тинчлик ва омонлик. Бир қарашда оддий бўлиб кўринадиган ушбу икки калима замирида ривожланиш, тараққиёт ва фаровонлик тушунчалари мужассам. Шу боис нурунийларимиз дуога қўл очганида, бутун дунёга тинчлик ва омонлик тилайдилар.

Бинобарин, бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни сақлаш, уни кўз қорачигидек асраш мамлакатимиз раҳбарининг фаолиятида доимо энг муҳим, энг



устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Юртбошимиз ҳамиша ўқтириб келганидек, тинчликни таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз.

Бу борада, айниқса, буюк келажак эгалари — навқирон авлод зиммасидаги масъулият ғоят каттадир. Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганидек, авваламбор, ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз ўз иродасини чиниқтириши, имони бут бўлиши, халқимизнинг кечаги ҳаётини, яқин тарихимизни, бугунги кунимизни пухта ўрганиши, нафақат ўрганиши, балки онг-шууридан, қалбидан ўтказиши шарт.

Бугунги ёшлар юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлардан наинки ҳабардор, балки ҳаётбахш

ислохотларимизга бевосита дахлдор бўлиши, "Шу Ватан — менинг уйим, мен ўз уйим — Ватанимни ҳимоя қилишга масъулман", деган тушунча билан яшаши шарт.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айниқса, ўтганларнинг ҳайрли ишларини ёдга олиш, фахрийларимизнинг жасорати ва матонатини улуғлаш, кексаларимизни қадрлаш ва эъзозлаш биз — бугунги саодатли давр авлодлари учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Юсуф ИЛХОМОВ,
Олий суд бўлим бошлиги
Бобомурод РАЙИМОВ,
«Куч — адолатда» муҳбири

қўлланилмоқда. Жумладан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб, тегишли идораларга жами 116 та тақдимнома киритилди ҳамда қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйган 122 нафар мансабдор шахс оғоҳланганди.

Бундан ташқари назорат қилувчи органлар томонидан ҳам хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилнинг биринчи чораги мобайнида адлия идоралари томонидан ўтказилган ўрганишларда назорат қилувчи органлар томонидан 2 та тадбиркорлик субъектида ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 128 та ҳолатда текширишлар ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланди ва мазкур ҳолатларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққиёт этириш, экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, хорижий давлатлар билан юртимиз ўртасида ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни изчил ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Жамшид ИРГАШЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз

зилиши мумкинлиги қоида-си фақат фуқаролар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланишини англатади.

Амалда қарз шартномаси қарз олувчи томонидан қарз берувчига тилхат бериш орқали расмийлаштирилади. Бу қоида ҳам фақат фуқароларга нисбатан қўлланилади. Зеро, юридик шахсининг раҳбари ёки унинг бош ҳисобчиси ёхуд юридик шахс номидан вакил сифатида ҳаракат қилаётган бошқа ходим юридик шахсининг муайян суммадаги пулни қарзга олганлиги ҳусусида тилхат бериш ҳуқуқига эга эмас. Қарз тилхати қарз олувчининг имзоси билан тасдиқланади ва процессуал жиҳатдан далилга тенглаштирилади.

Қарз шартномаси реал

шартнома сифатида шартнома тузилган вақт ва пул ёки ашёларнинг топширилиш вақти бир пайтда юз бериши билан тасдиқланади. Бунда пул топширилгани қарз олувчининг шартномага имзо чекиши билан тасдиқланса, ашё қарзга берилгани қабул қилиб олиш далолатномаси ёки шартномага алоҳида ёзув киритиш орқали тасдиқланиши мумкин.

Қарз шартномасининг но-тартиал тасдиқланиши та-рафлар хоҳишига боғлиқ. Бу тарфлардан бирининг (аксарият ҳолларда, қарз берувчининг) талаби билан амалга оширилиши мумкин.

Фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг ёзма шаклига амал қилмаслик қарз шартномаси-

нинг ҳақиқий деб ҳисоблан-маслигига олиб келади.

Фуқаролик кодексининг 737-моддасига кўра, қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли. Бунда ис-ботлаш воситалари фуқаролик процессидаги далиллар тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади.

Фуқаролик процессуал ко-дексининг 56-моддасига кўра, тарфларнинг талабла-

ри ва эътирозларини асос-лайдиган ҳолатлар мавжуд-лиги ёки мавжуд эмаслиги-ни суднинг қонунда белги-ланган тартибда аниқлаши-га асос бўладиган ҳар қан-дай фактик маълумот ва иш-ни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар — тарфлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакил-ларнинг тушунтиришлари, гу-воҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосаси билан аниқланади.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Апелляция шикоятни берган шахс ўз шикоятини, маҳкум эса, химоячиси берган шикоятни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи лавозими бўйича юқори турувчи прокурорга ҳам тегишли. Қонун талабига кўра, апелляция шикоятни апелляция инстанцияси суди маслаҳат хонасига киргунга қадар қайтариб олишни мумкин.

Апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш пайтида маҳкум (оқланган шахс)га, жабрланувчига биринчи инстанция суди қарорлари нусхаси топширилганлигини, процесс иштирокчиларига апелляция шикоятни (протести), шунингдек, қўшимча материаллар келиб тушганлиги тўғрисида хабар берилганлигини текшириб кўради. Бундан ташқари апелляция шикоятни билдирилганлиги ҳамда уларга ушбу ҳужжатлар нусхаси топширилганлигини, шунингдек, процесс иштирокчиларининг апелляция инстанциясида иш кўриладиган жой ва вақт тўғрисида тегишли тарзда хабардор этилганлиги, маҳкум (оқланган шахс), унинг химоячиси ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги аниқлайди.

Агар ушбу талаблар бажарилмаганлиги аниқланса ва уларни ўзи амалга ошириш имкониятига эга бўлмаса, апелляция инстанцияси суди ишни қайта расмийлаштириш учун биринчи босқич судига алоҳида таъкидлаш жомаси, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган ва апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш истагини билдирган маҳкумнинг иштирокини таъминлаш ушбу суднинг мажбурияти ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам жиноят иши келиб тушгандан сўнг суд маҳкумнинг апелляция инстанцияси мажлисида иштирок этиш истагини билдирган ёки билдирмаганлигини аниқлаш ва натижасига қараб, уни суд мажлисида олиб келиш чораларини кўриши лозим. Қўлланилган эҳтиёт чораси

раси туридан қатъи назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этиш жиноят-процессуал қонуннинг жиддий бузилиши деб баҳоланади. Бу эса, суд ажримининг бекор бўлишига олиб келади. Бундан ташқари ишнинг кўрилиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг узрли сабабларсиз суд мажлисида келмаслиги ишни кўриш учун тўсиқ бўлмайди.

Апелляция инстанцияси суди биринчи босқич суди қабул қилган суд ҳужжати-

қисми "а" банди билан айбдор деб топилган ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 60, 61-моддаларига асосан узил-кесил ўташ учун беш йилу олти ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Шунингдек, у мазкур кодексининг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган. Жазони маҳсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Айтиш керакки, Э.Бобожонов 2014 йилнинг 28 май куни соат ўн сақизларда фуқаро А.Завқиевнинг уйига девор орқали ғайриқонуний равишда кириб, ётоқхонадан

нояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан яна ўта оғир жиноят содир этилиши, шунингдек, муқаддам оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейингиларидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг яна оғир жиноят содир этиши

пиш пайтида Жиноят кодексининг 34-моддаси ва 59-моддаси саккизинчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, битта судланганлик ҳолати сифатида инобатга олинади" деган раҳбарий тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди Олий суд Пленумининг ушбу раҳбарий тушунтириши ва Жиноят кодексининг 59-ҳамда 34-моддаси талабларига амал қилмасдан хатолликка йўл қўйган.

Бунда Жиноят-процессуал кодексининг 491-моддаси талабларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур моддага кўра, ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибидеда кўриш чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодексини нотўғри қўллагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилангани аниқланса, суд уни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ушбу кодекснинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар кириштириш лозим.

Апелляция инстанцияси суди апелляция тартибидеда протестни қаноатлантириш, апелляция тартибидеда шикоятни қисман қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарди. Биринчи босқич суди томонидан 2014 йил 9 октябрдаги Э.Бобожоновга нисбатан чиқарилган ҳукмни янги ҳолатлар ва маҳкумнинг ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қисми бекор қилинди. Унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қаттиқ тартибли колонияларда ўташлик белгиланади. Ҳукмнинг қолган қисми ўзгартирилган ҳолда қолдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур институт ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонуний, асосли ва адолатлигини таъминлаш, жиноят ишини кўриб чиқиш чоғида йўл қўйилган хато ва камчиликларни қисқа вақт ичيدا бар-тараф этиш, процесс иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда гоятда муҳим аҳамият касб этаётгани билан алоҳида эътиборга молик.

Тўрабек РАҲМОНОВ,

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси

Huquqiy ma'rifat**Меҳнат ҳуқуқининг кафолатли ҳимояси**

ходим ва иш берувчининг қонуний манфаатларини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Уларнинг 190 таси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиниб, 182 таси қаноатлантирилган. Масалан, даъвогар Иброҳим Равшанов (исм-шарифлар ўзгаририлган) судга Чуст педагогика коллежига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, коллежнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган қуллари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгарлар — коллеж директори И.Маъмурова ҳамда Наманган вилояти Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси вакили Т.Тоҳиев даъвогар муқаддам жинойий жавобгарликка тортилганлиги сабабли лавозимидан озод қилингани, бироқ суд томонидан ишга қайта тиклангани, шу сабабли ушбу лавозимга танлов ўтказилганига қадар ишлаб келгани, у ўрта-маҳсус маълумотга эга эканлиги, директор ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатувчи шахс олий маълумотга эга бўлиши лозимлиги, 2014 йил 31 январь куни маълумотга қадар ишлаб келгани, даъвогар билан меҳнат шартномаси қонуний тарзда бекор қилинганини қайд этиб, даъвогарни рад этишни сўради.

Аниқланишича, Иброҳим Равшанов 2003 йилдан буён Чуст педагогика коллежидеда маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келган. 2014 йил 13 февралда Наманган вилояти Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ўтказилган танлов комиссияси ҳулосасига асосан, Чуст педагогика коллежи директорининг бўйриги билан И.Равшанов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Айтиш керакки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳоли иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низомнинг 17-бандида "директор ўринбосарлари лавозимларига комиссия томонидан танлаб олинган номзодлар билан ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бош-

қармаси ёки тегишлича бўйсунувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тўзати ва бўйруқ билан расмийлаштиради", деб кўрсатилган.

Бироқ Чуст педагогика коллежи директори ушбу Низом талабларига амал қилмаган ҳолда даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиб, қонунбузилишига йўл қўйган. Бундан ташқари ушбу низомнинг 10-бандида "Бўш (вакант) директор ўринбосарлари лавозимига танлов Ўрта махсус, касб-хунар таълим марказининг худудий бошқармалари ёки бўйсунувида таълим муассасалари раҳбарияти томонидан марказий ёки маҳаллий матбуот орқали 1 ой олдин эълон қилинади", деб кўрсатилган бўлса-да, даъвогар эгаллаб турган лавозим банд бўлгани ҳолда низом талабларига зид равишда танлов ўтказилган.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 111-моддасида меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа қаноатли орган томонидан аввалги ишга қайтарилгани, 188-моддасида эса, ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Суд мазкур талабларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш лозим, деб топди ва И.Равшановни коллеж директорининг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ўз вақтида кўриб чиқиши ҳамда қонун доирасида ҳал этилиши ходимлар, меҳнат жамоалари ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг тикланишига, меҳнат унвондорлигини ошишига хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Акрам ШУКУРОВ,

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси

Оила жамиятнинг ажралмас ва узвий қисми, уни асраб-авайлаш ҳамда муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз ва фуқаровий мажбуриятимиздир. Зотан, юрт қорига ярайдиган, жисмонан соғлом, ақдан баркамол фарзандларни тарбиялаш, оила мустақамлигини таъминлаш ҳар бир ота-онадан алоҳида масъулият талаб этади. Бироқ ҳаётда ота-оналик масъулиятини мутлақо унутиб қўядиган кимсалар ҳам учраб туради.

Яккабоғ туманида яшовчи Элёр маҳалладоши Латофатга кўнгли кўйиб ўйланди. Тўй тадоригини кўраётган икки ёш қонуний никоҳдан

Turmush chorrahalarida**Қонуний никоҳ**

оила мустақамлигини таъминлашнинг муҳим шартидир

ўтишни негацир орта суришди, ота-оналар ҳам бунга бефарқ қарашди. Тўйдан сўнг бир муддат тинч-тоғу яшаган эр-хотин ўртасида бора-бора ножоиз гап-сўзлар, беҳуда рашк авж олиб, ўзаро хурмат йўқолди. Қавму-қариндош ва маҳалла кайвонилари ҳам эр-хотинни мурасага келтиришолмади.

Ахийри, Латофат оғирроқ бўлиши-

га қарамай, ота хонадонига қайтди. Орадан кўп ўтмай, уларнинг фарзандлари Шукрона дунёга келди. Эр-хотин қонуний никоҳдан ўтмагани туфайли чақалоққа туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш чоғида муаммолар юзага келди.

Буни қарангки, Элёр ўз фарзандига нисбатан оталиқни тан олишни истамади. Ноилоҳ қолган Лато-

фат судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, фарзанди Шукронага нисбатан Элёр Шомуродовнинг оталиқни белгилашни сўради. Суд ишни атрофлича муҳокама этиб, тарафлар ҳамда гувоҳларнинг фикрларини тинглаб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириши, яъни 2014 йил 10 октябрда туғилган Шукронага нисбатан Элёр Шомуродовнинг оталиқни белгилашни лозим топди.

Яна бир мисол. Қамаш туманида истиқомат қилувчи Дилором Лафасова ҳамда Бекзод Ортиқов ҳам қонуний никоҳдан ўтмасдан оила қурган эди.

Бошиданоқ пойдевори мустақам бўлмаган оила тез орада дарз кетди. Эр-хотин ўртасидаги низолар барҳам топмай туриб, уларнинг фарзанди дунёга келди.

(Давоми тўртинчи бетда)

шартномаси

уни ўз вақтида бажариш хотиржамлик гаровидир

Юқорида қайд этилганидек, қарз шартномасининг муҳим шартларидан бири - бу қарз олувчи томонидан қарз суммасини шартномада назарда тутилган муддатда қарз берувчига қайтаришидир. Қарз суммаси вақтида қайтарилмаган келинганлиги сабабли қарз берувчи қарз олувчидан қарзни ундириш ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақли ҳисобланади.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратайлик.

Даъвогар Собир Тўхтаев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Рустам Маҳмудовдан ўзининг фойдасига 700 миң сўм миқдоридеда қарзни ундириб беришни сўраган.

Аниқланишича, жавобгар Рустам Маҳмудов даъвогардан 1.000.000 сўм пул олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беради.

Жавобгар ўз тилхатида даъвогар С.Тўхтаевдан олган 1 миллион сўм нақд пулнинг 500 миң сўмини 2013 йил 5 декабрда, қолган қисмини эса, 2014 йил 20 январгача тўлиқ қайтаришини маълум қилган.

Даъвогарнинг судда берган тушунтиришидан кўринишича, жавобгар олган қарзидан 300 миң сўмини тўлаб, қолган 700 миң сўмини суд мажлисида қадар тўламасдан келган.

Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар Рустам Маҳмудовдан унинг фойдасига 700 миң сўм қарз ундирилди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддаси 1-қисмига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фой-

дасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган барча харажатларни ундириб беради.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "**Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида**"ги қарори 22-бандига мувофиқ, Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан қарз шартномаси қарз бўйича олган мулк (ашё)ни қайтарилиши назарда тутлади, қарз суммасига олинадиган фоизлар миқдори шартномада белгиланади. Қарз олувчидан фоизлар ундиришда суд бир вақтнинг ўзидеда қарз сум-

масидан давлат фойдасига солиқ ушлаб қолиши лозим. Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган пул мажбуриятини, шунингдек, қарз мажбуриятини бажармаганлик учун фоизлар, қарз шартномасида белгиланган фоизлардан ҳам ортиқ ҳисобланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қарз ва бошқа битимларни ёзма шаклда тузиш шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг олдини олиш ва уларни қонуний ҳал этиш имконини берибгина қолмай, тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Акрам МУРОДОВ,

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

Jinoyat va jazo**Фош бўлган сохтакорлик**

Инсофли ва диёнатли одам эгри йўлга қадам босмайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилишдан ҳаминша ўзини тияди. Аксинча, баднафс кимсалар ўзгалар бойлиги эвазига кун кечириб, фирибгарлик, адов, ишончни сунистеъмоқ қилиш ва сохтакорликдек эгри йўлларга тап тортмай қадам босади. Сўнг эса, номақбул қилмишлари учун муносиб жазосини олади. Қуйилган воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

"Сирдарёмаҳсуссувдренаж" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Тўракулов (исм-шарифлар ўзгаририлди) "Комфорт оргтех савдо" масъулияти чекланган жамияти директори Ўлмасжон Бойматов билан текник бойлик топши мақсадида ўзаро жинойий тил бириктиради. Уларнинг жинойий режаси "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамиятига, янада аниқроғи, жамият раҳбари

Қ.Нормуродовга қаратилган эди.

Бу бежиз эмас эди. Чунки ушбу масъулияти чекланган жамияти асосан лизинг фаолияти билан шуғулланарди. У бино-иншоотлар, махсус техникалар ва транспорт воситаларини ўз маблағи ҳамда банк кредит маблағи эвазига ҳамкорларига лизинг шартномаси асосида олиб бериши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар
дейдиларки

Меҳнатни севиш,
гайрат ва матонат
билан ишлашнинг учта
ширин меваси бор:
таи саломатлиги,
қўнғил роҳати, зехн
нинг ортиши.

* * *

Меҳнатни севагани
одам турли ёмонлик
ларни қилишга тайёр
дир.

* * *

Бир-биридан норози
бўлган икки кишини
келтириш учунгина
айтилган ёлғон сўз
улар орасига совуқлик
тушириш учун айтил
ган рост сўздан кўра
хайрлидир.

* * *

Инсонга ҳаракат
чанлик ва иштилик
йўлдош бўлмас экан,
қобилиятнинг бир ўзи
ҳеч нарса келтирмай
ди.

* * *

Олтин ва қумуши
бўлмаган одам камба
гал эмас, балки касб
хунарсиз киши камба
галдир.

* * *

Ўз фарзандининг ях
ши ҳулқ-одобли ва
ақлли бўлишга ўргат.
Кимки ёшлардан ях
ши ҳулқ-одеб эгалла
мас экан, улғайганда
ундан билим талаб қи
либ бўлмайди.

**(Давоми. Бошланиши
учинчи бетда)**

Қисқаси, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё шаҳар, Тошкент кўчаси 1-уйда қиймати 483 миллион 600 минг сўмлик, қурилиш майдони 393 9,25 квадрат метр бўлган бино ва иншоотлар мавжуд эди. Жиноий режага кўра, "Комфорт ортегх савдо" масъулияти чекланган жамияти директори Ҳ.Бойматов "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қ.Нормуродов билан танишади. Сўнгра у Қ.Нормуродовга "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятининг бино ва иншоотлари сотилаётгани, уни лизингга олиб савдо мажмуаси қуриш нияти борлигини айтади. Қисқаси, у ҳамкорлик қилиш ва амалий ёрдам беришни сўрайди.

Шундан сўнг Қ.Нормуродов Б.Тўрақулловга учрашади. Улар биргаликда бино ва иншоотларни кўздан кечиришади. Қ.Нормуродов бино-иншоотларни лизингга қўйиш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларни йиғишни Б.Тўрақулловга тайинлайди.

Шундан сўнг "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти ва "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2011 йил 26 сентябрда бирининг икки томонлама олди-сотди шартномаси расмийлаштирилади. Шартномада бино лизингга берилиши мумкинлиги қайд этилган. Қарангки, шу куннинг ўзидаёқ "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти бино ва иншоотлар-

Терроризмга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатингиз ушбу ҳужжатларга қўшилиб ва уларнинг асосий қондаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишдан ташқари, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича давлат ҳамда жамоат тузилмаларини ташкил қилди. Ёш авлодни тинчликпарварлик ва бағри-кенглик руҳида тарбиялаш орқали терроризмнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар алоҳида эътиборга сазовордир. Бу борада маҳалла институти муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш учун терроризмга қарши курашишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекси, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат жиддий қонунчилик базаси шакллантирилгани ҳақида сўз юритилди.

Масалан, 2000 йилда қабул қилиниб, кейинчалик такомиллаштирилган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунда мамлакатимизда терроризмга қарши курашиш чораларини амалга оширадиган давлат органлари ва уларнинг хавфсизлик ҳамда барқарорлиқни таъминлаш бўйича ваколатлари белгиланган. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда тер-

рорчиликка қарши операциялар ўтказиш, террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, терроризмга қарши курашда иштирок этган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси масалаларига катта эътибор қаратилган.

Экстремизм ва терроризмга қарши кураш стратегиясини амалга оширишда ҳамкорлик принципига риоя этаётган мамлакатимиз манфаатдор барча давлатлар билан узоқ муддатли мушосабатлар ўрнатишга интилоқда. Хар қандай кўринишдаги терроризм ва экстремизм кўплаб мамлакатлар ва уларнинг фуқаролари хавфсизлигига таҳдид солаётгани боис уларга катта сиё-

сий, иқтисодий ҳамда маънавий зарар етказмоқда.

— ШХТ ва унинг тузилмалари таъсисчиларидан бири бўлган Ўзбекистон ташкилотни ривожлантириш стратегиясини белгилаш ҳамда амалга оширишда фоал иштирок этмоқда, - деди ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директорининг ўринбосари Виталий Бузов. — ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йилда расман очилганидан буён ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари ва ҳамкорлигини бирлаштириш учун амалий восита ва платформага айланди.

Тадбир давомида терроризмга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқ

асослари, террорчиликка қарши кучларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга тааллуқли масалалар ҳам муҳокама этилди.

Мазкур халқаро илмий-амалий конференция амалий мулоқот ва фикр алмашиш учун ўзига хос платформа бўлди. ЕХТТ Котибиятининг Трансмилий таҳдидларга қарши курашиш департаменти директори Алексей Лиженковнинг таъкидлашича, конференция нафақат илмий, балки амалий хусусиятга ҳам эгадир. Негаки, анжуман минтақавий ва халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигининг янги қирраларини очиб берди.

Сардор ТОЖИЕВ,
Уза муҳбири

**(Давоми. Бошланиши
учинчи бетда)**

Бироқ Бекзод ўз зурриёдага нисбатан оталиқни тан олишни истамасди. Қонуний никоҳлари қайд этилмаганлиги боис, чорасиз қолган Дилором Лафасова фарзандига нисбатан жавобгар Б.Ортиқовнинг оталигини белгилашни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Суд даъвогарнинг талабини ўрганиб чиқиб, уни қаноатлантиришни лозим топди.

Зеро, Оила кодексининг 62-моддасида, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибиде белгиланиши мумкин. Оталиқни суд тартибиде белгилаш ота-онанинг бирининг

Turmush chorrahalarida

Қонуний никоҳ

оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим шартидир

ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига кўра, шунингдек, бола вояга етгандан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталиқни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилганига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлар

ри ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталиқни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отасиман деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталиқ факти суд томонидан белгиланиши қайд этилган.

Суд ушбу модда талабларидан келиб чиқиб, Дилором Лафасова-

нинг 2014 йил 8 октябрда туғилган фарзандига нисбатан жавобгар Бекзод Ортиқовнинг оталигини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Шунингдек, келгусида фарзандларининг таъминоти учун жавобгарлардан алимент ундириш белгиланди.

Юқорида келтирилган воқеалардан ҳам кўринадиги, қонуний никоҳ оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Зеро, шундангина фарзандлар мустаҳкам оилада камол топади. Бу ҳаётини ҳақиқатини турмуш қуриш остионасида турган ёшлар ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Баҳодир АЗИЗОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Яққабоғ туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

**(Давоми. Бошланиши
учинчи бетда)**

қисқаси, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё шаҳар, Тошкент кўчаси 1-уйда қиймати 483 миллион 600 минг сўмлик, қурилиш майдони 393 9,25 квадрат метр бўлган бино ва иншоотлар мавжуд эди. Жиноий режага кўра, "Комфорт ортегх савдо" масъулияти чекланган жамияти директори Ҳ.Бойматов "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қ.Нормуродов билан танишади. Сўнгра у Қ.Нормуродовга "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятининг бино ва иншоотлари сотилаётгани, уни лизингга олиб савдо мажмуаси қуриш нияти борлигини айтади. Қисқаси, у ҳамкорлик қилиш ва амалий ёрдам беришни сўрайди.

Шундан сўнг Қ.Нормуродов Б.Тўрақулловга учрашади. Улар биргаликда бино ва иншоотларни кўздан кечиришади. Қ.Нормуродов бино-иншоотларни лизингга қўйиш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларни йиғишни Б.Тўрақулловга тайинлайди.

Шундан сўнг "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти ва "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2011 йил 26 сентябрда бирининг икки томонлама олди-сотди шартномаси расмийлаштирилади. Шартномада бино лизингга берилиши мумкинлиги қайд этилган. Қарангки, шу куннинг ўзидаёқ "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти бино ва иншоотлар-

ни "Комфорт ортегх савдо"га лизингга берилиши тўғрисида масъулияти чекланган жамияти директори Ҳ.Бойматов билан лизинг шартномаси имзоланди. 2011 йилнинг 19 октябрда "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамиятига бино ва иншоотларни топшириш далолатномаси тузилди.

Ўз навбатида, бино ва иншоотлар "Комфорт ортегх савдо" масъулияти чекланган жамиятига фойдаланиш учун лизингга топширилади. 2011 йил ноябр ойида "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамига банк муассасасидан олинган кредит маблағи ҳисобидан 276 миллион 250 минг сўм, ўз ҳисоб рақамидан 52 миллион 250 минг сўм ўтказиб беради.

Б.Тўрақуллов билан Ҳ.Бойматовнинг жиноий режасига кўра, уларга худди шу нарса керак эди. Б.Тўрақуллов тўлаб берилган пул маблағларига бўлган ҳуқуқни қўлга киритган, бақовуллик қилишга ўтади. У "Комфорт ортегх савдо" масъулияти чекланган жамиятига 133 миллион сўм, "Фарз" хусусий корхонасига 4 миллион 640 минг сўм, "Ҳамкор ҳомий юлдузи" масъулияти чекланган жамиятига 19 миллион 800 минг сўм, "Гулистон такси сервис" масъулияти чекланган жамиятига 20 миллион сўм тўлаб беради.

Сўнг 16 миллион 495

минг сўмни ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи, 16 миллион 898 минг 100 сўмни бошқа мақсадлар учун сарфлайди.

Энди "Комфорт ортегх савдо" масъулияти чекланган жамияти директори Ҳ.Бойматовнинг кин-

Jinoyat va jazo

Фош бўлган сохтакорлик

фирмаларига тўхталамиз. У 2011 йилнинг октябр ойида бинони лизингга олганлиги учун шартномада кўрсатилган умумий сумманинг йигирма беш фоизини, яъни 92 миллион 250 минг сўмни "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамига кўчириб бериб, Қ.Нормуродовнинг ишончини қозонади. Шундан кейин Ҳ.Бойматов бепараллик, лоқайлик йўлини тутди. Яъни лизинг шартномаси шартларини баъжармасдан, ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Юқорида "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамияти "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига 133 миллион сўм, "Фарз" хусусий корхонасига 4 миллион 640 минг сўм, "Ҳамкор ҳомий юлдузи" масъулияти чекланган жамиятига 19 миллион 800 минг сўм, "Гулистон такси сервис" масъулияти чекланган жамиятига 20 миллион сўм тўлаб беради.

"илинган", яъни ҳада қилган. Ҳ.Бойматов эса, текин бойлигининг 88 миллион 700 минг сўминини турли хўжалик юритувчи субъектларга, жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Millinium leasing" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

қилиб, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берилган, "Сирдарёмахсуссудвренаж" масъулияти чекланган жамияти рақамларига "молиявий ёрдам", "тузилган шартномаларга асосан"

G'aroyib olam

Одатда, ҳамёнларга фақатгина пул сақлаш учун мўлжалланган буюм сифатида қаралади. Аслида эса, уларнинг яратилиш тарихи анчайин қизиқарли бўлиб, киши эътиборини ўзига тортади.

Биз билган ва билмаган дунё

ҲАМИША ҲАМРОҲ ҲАМЁНЛАР

Маълум бўлишича, инсоният тарихида илк ҳамёнлар қадимги Мисрда яратилган бўлиб, дастлаб улар оддий матодан тикилган ва ён тарафда осиб юришга қулай мўъжаз халтача кўринишида бўлган.

Қадимги Хитой ва Японияда эса, шайбаси-мон танга пуллар истез молда бўлганлиги боис ҳамён сифатида арқон бўлагидан фойдаланиш бир қадар ўнғай бўлган, яъни улар ўз пулларини ўша арқонга тизган холда олиб юришган. Ҳамён эгаси ҳисоб-ки-тоб пайтида арқонга тизилган тангаларнинг керакли қиймати оғирлигига қараб ўлчанган.

Илк чарм ҳамёнлар эса, қадимги римликлар томонидан тайёрланган. Энг қизиғи, қадимги Римда савдогарлар ранг-баранг тошлар билан безатилган ҳамён олиб юришни ёқтирган. Кейинчалик уларнинг аёллари ҳам хашамдор ҳамёндан асосан пардоз-андоз буюмларини олиб юриш мақсадида фойдаланишган.

Айтиш керакки, қоғоз пулларни солиш учун мўлжалланган ҳамёнлар XVII асрда яратилган бўлиб, бизгача айнан ўша кўринишдагилиги этиб келган.

Бугунги кунда дунё миқёсида ҳамёнлар турфа рангда тайёрлансада, асосан қора, жигарранг ва металл рангдагилари энг харидордир ҳисобланади.

Янада қизиқарлиси, инсоният тамадуни тараққий этгани сари ҳамёнларнинг тури ва шакли ҳам ўзгариб борган. Хусусан, XVIII асрга келиб, Францияда замонавий кўркам либосларни кийиш урф бўлиши ҳамёнлар турилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Гап шундаки, айнан ўша вақтда бошлаб ҳамёнлар фақат кичик ҳажмда эмас, балки қўлда олиб юришга мўлжалланган сумка кўринишида ишлатиб чиқарила бошланди.

Ҳар бир қимматбаҳо ҳамённинг нархи, аввало, унинг ўзига хос хусусиятига боғлиқ бўлади. Масалан, ҳамёнга ўрнатилган қимматбаҳо тошлар қийматини оширади. Хусусан, машҳур модалар уйи томонидан тақлиф қилинаётган сумкалар бозорини ўрганиб чиққан мутахассислар бу буюмнинг нархи 30 минг доллардан бошлаб, 3,8 миллион долларгача баҳо-ланишини маълум қилишганда ҳамён ишчи-боллари сира ажабланишмади.

Ўтган йили Гиннесснинг рекордлар китобида қиритилган ҳамён-сумка "Mouawad" модалар уйи усталари томонидан яратилган бўлиб, у тила ва 381 қаратлик

олмос тошлар билан безатилган. Уни ясаш учун 10 нафар уста 4 ой мобайнида кунига ўн икки соат давомида тинимсиз меҳнат қилган.

Бироқ банк тизимига замонавий технологиялар жадал кириб келиши билан ҳамёнларнинг кўриниши ва ҳажми ҳам кескин ўзгариб бормоқда. Энди одамлар ўз маблағини ҳамёнда эмас, балки банкдаги ҳисоб рақамда сақлашни маъқул кўришмоқда. Банкдаги маблағдан фойдаланиш учун эса, пластик карта энг қулай восита ҳисобланади.

Бунинг устига интернет тармоғи яна ҳам қулайроқ имкониятларни тақдим этмоқда. Бунинг натижасида электрон ҳамёнлар ниҳоятда оммавийлашиб, улар қулай ва тезкорлиги жиҳатидан барчага манзур бўлмоқда.

Айни пайтда инсоният томонидан яратилган энг дастлабки электрон ҳамён тизимларидан бири "Paypal" бўлиб, у 1998 йилда иш бошлади. 2002 йилдан буён ушбу тизим дунёда энг йирик интернет — аукцион бўлиши "Bay" тарқибига қиритилган.

Бугунги кунда мазкур электрон тизимдан дунёнинг 190 мамлакатиде кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, дунёда энг оммабоп электрон ҳамёнлардан яна бири "WebMoney" ҳисобланади. Мазкур халқаро тўлов тизимидан ер юзидаги деярли барча мамлакатларнинг фуқаролари фойдаланиш омониятига эга.

Одатда, машҳур коллекционерлар нодир санъат асарларини, қадимий қўлбола заргарлик буюмларини тўплаши ҳеч кимга сир эмас. Аммо улар орасида ҳамён ва сумка ишчи-боллари ҳам бор экан.

Мисол учун, англиялик Эммануэл Удино турли хил ҳамёнлар йиғишни хуш кўради. Ҳозир унинг коллекциясида 200 дан ортиқ олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлардан ясалган сифатли, турфа рангли чарм ва камёб чармдан ҳамёнлар тайёрланган. Удинонинг фикрича, улар ичида энг чиройли тошлар кубисидан мерос бўлиб қолган тимсоҳ терисидан тикилган қадимий ҳамён ҳисобланади.

Умуман олганда, ҳар хил ҳамён ва сумкаларни тўплашда Нетти Блаустейндан ўтадигани бўлмаса керак. Бовариянинг Алтёттинг шаҳрида истикомат қилувчи бу ишқибоз ярим аср давомида 20 мингтадан ортиқ турли-туман ҳамён тўплашга муваффақ бўлган.

Интернет материаллари асосида **Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА** тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Гайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ